



## **XALQ DEPUTATLARI ARNASOY TUMANI KENGASHI QARORI**

2021 - yil 15 - oktabr

VI-31-68-3-43-K/21

Arnasoy tuman hokimligi

**Туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағига маблағ ўтказиш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги молия бўлими (М.Эшбоев) “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиш учун туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисмининг 30 фоизи 440,0 млн.сўм маблағни туман ҳокимлигига ажратиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исмаев ҳамда туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Б.Мухиддиновга ажратилган маблағни “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исмаев, туман ҳокими ўринбосари Р.Бобоев биргаликда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари” доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исмаев зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Ноким**



**Ҳ.Алимарданов**